СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 139 (10.444) / 2005 ЙИЛ 19 ИЮЛЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 июль куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хонимни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, — деди Ислом Каримов, —Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган самарали ҳамкорлик алоқалари янги поғонага кўтарилмоқда. Кўп қиррали ҳамкорлигимиз узоқ муддатли асосда ривож топмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлида эришилаётган муваффақиятларда, алоқаларнинг бугунги юксак босқичга кўтарилишида ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг ўтган йили Ўзбекистонга, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг май ойида Хитойга давлат ташрифлари муҳим ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома янги имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланмоқда. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 69,6 фоизга ортиб, 367,1 миллион АҚШ долларига тенглашди. 2005 йилнинг дастлабки 5 ойида эса бу кўрсаткич 113,8 миллион долларни ташкил қилди.

Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони юздан ошди. Юртимизда 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият юритмоқда. Бу корхона ва компаниялар савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари ва коммуникация соҳаларида фаолият кўрсатади.

Ижтимоий-маданий алоқалар ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. Хитой вакиллари «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, Ўзбекистон фолклор жамоалари Пекинда ўтадиган йиллик халқаро маданият ва сайёҳлик фестивалларида қатнашиб келмоқда. Ўтган йили Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти кунлари бўлиб ўтди. Жорий йилда эса Пекин ва Шанхайда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасида 2005 йилнинг майида Тошкентда Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти очилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Пекиндаги Миллатлар марказий университетида эса ўзбек тили бўлими очилди. 2003 йили Цзилинь провинциясининг Чанчунь шаҳрида буюк ўзбек мусаввири Камолиддин Беҳзоднинг ҳайкали қад ростлади.

Ўзбекистон билан Хитой сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам ҳамжиҳат. Терроризм, экстремизм ва айирмачилик каби муаммоларга қарши курашда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириб боришга келишилган. Халқаро тузилмалар, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани диққатга сазовордир.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг бугунги босқичига юқори баҳо берилар экан, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун ҳали икки мамлакатда имкониятлар кўп эканлиги, алоқаларни ривожлантиришдан томонлар бирдек манфаатдорлиги алоҳида таъкидланди.

У И хоним самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Тошкентда ўтган Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми яқин вақтларда ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИК БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАДИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И хоним раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди. 18 июль куни «Интерконтинентал» меҳмонхонасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат савдо-саноат ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Хитой Халқ Республикаси савдо вазирлиги, мазкур вазирлик ҳузуридаги ташқи савдони ривожлантириш бюроси ҳамда техникавий-иқтисодий кўмаклашиш бўйича Хитой-Европа уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Хитой Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида кўплаб йўналишларда бўлгани каби савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида тузилган юздан зиёд корхона фаолият кўрсатаётир. Юртимизда Хитойнинг 26 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан салкам етмиш фоиз ошди.

Бизнес-форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва ХХР Давлат кенгаши раҳбарининг ўринбосари У И мазкур форум мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишлардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда қулай сармоявий муҳитни шакллантиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан 3 йилдан 7 йил муддатгача озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра бундан буён ишбилармонларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақатгина суд орқали қўлланилиши мумкин. Бу хусусий бизнес вакилларини назорат органларининг ортиқча текширувларидан халос этувчи муҳим ҳужжатдир.

Меҳмонлар мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Н.Нажимов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров юртимизда хорижий сармоядорлар ва ишбилармонлар учун яратилган шарт-шароит ҳақида гапириб бердилар.

Хитой делегацияси таркибида ушбу мамлакатнинг кўплаб етакчи фирма ва компаниялари вакиллари ҳам бор. Улар билан Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида ўзаро ҳамкорликка доир икки томонлама музокаралар ўтказилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Шанхай шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонасини таъсис этиш тўғрисида ҳукуматлараро битим, 25 миллион юань (3 миллион АҚШ доллари) ва 5 миллион юань (0,6 миллион АҚШ доллари) миқдорида грантлар ажратиш бўйича техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, компьютер синфларини сотиб олиш тўғрисидаги 19 миллион долларлик лойиҳа бўйича битим, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «Синьцзян Нункен» экспорт-импорт компанияси ўртасида ХХРга тўғридан-тўғри пахта толаси ва мис етказиб бериш бўйича битим, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «Puyang Refrectories CO., Ltd» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Хитой Эксимбанки ўртасида «Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон учун ирригация-мелиорация техникасини харид қилиш» (14,8 миллион доллар), «Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш» (5 миллион доллар) ҳамда «Сунъий йўлдошли алоқа тизимидан фойдаланиладиган телерадио узатишларини ташкил этиш» (4,9 миллион доллар) лойиҳаларини молиялаштириш бўйича индивидуал кредит битимлари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Хитойнинг «Синопек» корпорацияси ўртасида Андижон ва Наманган вилоятларидаги конларда геология-разведка ишларини амалга ошириш лойиҳасининг ижроси бўйича ҳамкорлик меморандуми, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг CNCEC миллий кимёмуҳандислик корпорацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми, шунингдек, «Марказсаноатэкспорт» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси билан «Байхайхуамин» савдо компанияси ўртасида Хитойга 100 минг тонна карбамид моддасини етказиб бериш бўйича шартнома шулар жумласидандир.

Бизнес-форум қатнашчилари Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий, молиявий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини, мазкур форум уни янада кенгайтириш учун икки мамлакатда ҳам салоҳият ва имкониятлар кўплигини намойиш қилганлигини қайд этдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкентда «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида бозорларда қўлланилаётган тарози ва тарози тошларининг аҳволи, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

• Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида Самарқандниг ўтмиши ва бугуни, халқимизнинг урф-одатлари ҳамда тарихий обидалари билан хорижлик меҳмонларни янада чуқур таништириш мақсадида «Самарқанд-турист» ахборот маркази иш бошлади.

• Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга туширилганига тўққиз йил тўлди.

• Сирдарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ташаббуси билан тадбиркор аёллар ўқув-семинари ташкил этилди.

• Чуст тумани, Варзик қишлоғидаги 60-мактаб қошида янги болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 137 миллион сўмни ташкил этувчи ушбу иншоотни тумандаги 6-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма курувчилари бунёд этишди.

• Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида таэквондо бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 500 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Жаҳонда

• Колумбиянинг Тэмбо шаҳридаги тоғли ҳудудларда полициячилар ва жангарилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Қурбонлар ва жароҳатланганлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

• Исроил ҳарбий ҳаво кучлари радикал кайфиятдаги гуруҳларга қарши курашиш мақсадида Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилига ракета зарбаларини берди. Натижада ХАМАС ташкилотига аъзо бўлган 8 нафар жангари йўқ қилинди.

• Санкт-Петербургда қурилаётган аква паркда ушлаб турувчи конструкцияларнинг қулаши натижасида уч киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

• Лас-Вегасда покер бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор қатнашган 39 ёшли австралиялик Жозеф Хэшем 13 соату 56 дақиқа ичида 7,5 миллион доллар миқдорида бош мукофотни ютиб, жаҳон чемпиони бўлди.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **«ОҚШОМ»** газеталари «Тошкент» телеканали билан ҳамкорликда Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир Фармонлари ва Қарори ижроси юзасидан давра суҳбати ўтказди. Тадбирда солиқ ва адлия хизматлари, шаҳар хўжалик суди, савдо-саноат палатаси вакиллари, шунингдек тадбиркорлар иштирок этди.

● **БУГУН** Давлат болалар кутубхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигидаги лойиҳага мувофиқ Россия нашриётларининг «Болалар китоблари» кўргазмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтади.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари ҳамкорликларида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳуқуқий маданиятни ошириш чора-тадбирлари хусусида сўз борди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Усмон Носир маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан «Гиёвандликка қарши кураш» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида маҳалланинг фаол ёшлари ва нарколог шифокорлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Обод» маҳалласида ёшлар иштирокида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича ўтказилган семинар «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши ҳамда Тошкент Педиатрия тиббиёт институти талабалари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги «Дўстлик» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида арқон тортиш, тўп билан югуриш, узоқ масофага югуриш мусобақалари, «Қувноқ стартлар» ўйинлари ўтказилди.

● **КЕЧА** Абдулҳай Тожиев маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан кўчма оммавий спорт ўйинлари уюштирилди.

● **294-МАКТАБДА** «Баҳор» ҳамда Мерганов маҳаллалари ёшлари ўртасида ўтказилган кўчма оммавий спорт мусобақалари «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **238-МАКТАБДА** «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган компьютер курси тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

● **268-МАКТАБ** қошидаги «Қалдирғоч» оромгоҳида дам олаётган болажонлар Олимпия шон-шуҳрати музейига экскурсия уюштиришди.

● **154-МАКТАБДА** Миробод туманидаги «Олтинкўл», «Қорасув» ҳамда Фитрат номли маҳалла ёшлари иштирокида спортнинг арқон тортиш, тўп билан югуриш эстафетаси, «Ким эпчилу, ким чаққон?» мусобақаси, футбол турнири ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

МЕҲНАТГА ИШТИЁҚНИ КУЧАЙТИРДИ

Тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида ишбилармонлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласи Президентимизнинг доимий диққат марказида турганлиги ва ушбу йўлдаги саъй-ҳаракатлар самараси юртимизда тадбиркорлар сафининг ортиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлар, ноқонуний текширувларга барҳам бериш борасидаги амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, албатта иқтисодиёт ривожида муносиб ўринга эга бўлган кичик бизнес соҳаси вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг дадил қадам ташлашларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда 2007 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунга албатта тадбиркорликка қаратилган катта эътибор, қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, эркин фаолиятлари кафолатини таъминлаш орқали эришилади. Шу боис ҳам Президентимизнинг 14 июнда эълон қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда кетма-кет чиқарилган қатор Фармон ва Қарорлари айнан юқоридаги мақсадга қаратилган.

Мазкур Фармон ва Қарорлар билан танишиб чиққан ҳар бир тадбиркор эндиликда ҳеч нарсадан ҳайиқмай янги ғояларини амалга ошириши мумкин. Чунки юқоридаги Фармон эркин тадбиркорлик фаолияти учун жуда муҳим кафолат бўлди. Ўз фаолиятимиз давомида кўплаб тадбиркорлар билан мулоқотда бўлар эканмиз, уларнинг қанча-қанчаси айни ишлари ривожланаётган бир пайтда турли аралашувлар, ўзбошимча текширувлар тинкасини қуритганидан меҳнатга иштиёқи сўнганига ҳам гувоҳ бўлганмиз, айримларига ҳуқуқларини тиклашларида ёрдам берганмиз. Негаки, тадбиркор ҳақиқий изланяптими, ғирромлик ёки сохталик қилмаяптими, унга мададкор бўлиш лозим. Ахир у нафақат ўзи бой бўлади, яратган ишчи ўринлари билан қўшнисининг оиласига ҳам барака киритади, бюджетга тўлаган солиғи давлат хазинасига тушади, ички бозорда рақобатбардош маҳсулоти, сифатли хизмати билан фойда келтиради, шундайлари ҳам борки, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотларни жаҳон бозорига экспорт қилиб, миллий бойлигимизни оширади. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик ривожи —бу фаровонликнинг энг оқилона йўлидир.

Аввало бугунги кунда тадбиркорга ушбу Фармон ва Қарорлар мазмун-моҳиятини англатиш, уларнинг ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишда ёрдамлашиш даркор. Шу боис ҳам ҳозирда туманимизда тадбиркорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда мулоқотлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, соҳа ходимларини жалб этган ҳолда саволларига батафсил жавоблар олинмоқда.

Менимча, юқоридаги Фармон ва Қарорлардан руҳланган тадбиркорлар аллақачон янги иш режаларини ҳам амалга оширишни бошлаб юборди. Ахир қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя, юксак эътибор уларнинг меҳнатга иштиёқини оширгани, шубҳасиз. Тадбиркорлар билан учрашувларимизда, мулоқотларимизда улар кунига келадиган текширувларга барҳам берилганидан, фаолиятларига ноқонуний аралашувларга чек қўйилганидан мамнунлигини қайта-қайта таъкидлашмоқда. Шунингдек, бошқа имтиёз ва кафолатлар ҳақида ҳам ижобий фикрлар билдиришмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Фармон билан танишиб шу нарсага амин бўлиш мумкинки, унда тадбиркорнинг зарур ҳимоясига катта эътибор қаратилган. Жумладан, эндиликда тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилади. Ривожланган давлатлар тажрибасида синалган ушбу мукаммал усулни жорий этиш орқалигина тадбиркорлар ҳамда назорат органлари муносабатларида учрайдиган айрим келишмовчилик ва тушунмовчиликларнинг олди олинади. Ушбу ҳимоя тадбиркорни руҳлантиради, ишга меҳрини оширади.

Яна шуни айтиш керакки, Фармонда жорий йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширилиши белгилаб қўйилгани ортиқча асаббузарликларга, вақтнинг беҳуда сарфланишига чек қўяди. Чунки бу эндиликда турли назорат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини камайтиради. Аввалларги эса уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш бир вақтда бир қанча назорат органлари томонидан амалга ошириларди.

Айни пайтда туманимизда 5 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Асл мақсадимиз иқтисодиёт равнақида муносиб ўринга эга бўлган, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган, фақат ўзинигина эмас, халқини ҳам бой қилишга астойдил бел боғлаган тадбиркорларнинг сафини тобора кенгайтириш экан, юқоридаги Фармон ва Қарорлар ижроси самарасини уларнинг фаолиятларида кўриш, мазмун-моҳиятини тўғри англатиш жоиздир. Бугунги саъй-ҳаракатларимиз ана шунга қаратилган. Тадбиркорнинг нуфузини янада оширадиган, бир имкониятига ўн имконият қўшадиган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари бу борада бизга дастуруламалдир.

Саидвали САИДМАРОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Учтепа тумани филиали раҳбари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 2 июндаги ПҚ-92 рақамли қарори асосида ташкил қилинган икки йиллик махсус Олий журналистика курсларига 2005-2006 ўқув йили учун магистрлар тайёрлаш бўйича қабул эълон қилади.

Олий журналистика курсларида «Журналистика» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади ва битирувчиларга «Журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ҳамда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги магистр дипломи берилади.

Олий журналистика курсларига Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари бакалавриатурасининг ихтиёрий йўналишини тугатган ва журналистика соҳасида ижодий қобилиятини намоён қилган бакалаврлар (олий маълумотли мутахассислар) таркибидан тингловчилар танлов асосида қабул қилинади.

Олий журналистика курсларига кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ректор номига ариза;
олий маълумот тўғрисидаги диплом, иловаси билан (асл нусха);
086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
3х4 см ўлчамли 6 дона фотосурат;
фуқаролик паспортидан нусха;
оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган чиқишларини тасдиқловчи материаллар;
оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг фикрномалари (ихтиёрий равишда).

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Олий журналистика курсларига номзодларни ўқишга қабул қилиш қуйидаги синов натижалари асосида амалга оширилади:

ижодий синов (ёзма шаклда);
демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари фанидан (махсус тест синовлари);
ижодий синов (оғзаки шаклда).

Олий журналистика курсларида ўқиш тўлов - контракт асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Кириш синовлари 3 августдан 10 август кунигача ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси. Метронинг «Беруний» бекати.

Маълумот учун телефонлар: (8 371) 118-85-56, 46-07-88.

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти ҳамда республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан эълон қилинган «Менинг уйим — менинг шаҳрим» танлови янада кўпроқ уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳаллалар аҳолисини ўзига жалб этмоқда. Танлов ташкилотчилари томонидан жамоатчилик вакиллари учун ўтказилган учрашувда ана шу ҳақда сўз борди.

МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ ШАҲРИМ

Мамлакатимиз пойтахти йилдан йилга чирой очмоқда. Автомагистраллар қайта қурилиб, кенгайтирилмоқда, Тошкент харитасида янги кўчалар, замонавий бинолар, кўприклар, яшил ҳудудлар пайдо бўлаяпти. Буларнинг барчаси пойтахтимизнинг келгуси ривожланиши учун замин бўлиб, бу ерда экологик аҳволни яхшилаш имконини беради.

Шу билан бирга, шаҳарликларнинг бевосита иштирок этишини талаб қиладиган қатор муаммолар ҳам бор. Булар кўп қаватли уйларни бошқариш, уларнинг санитария-экология ҳолати, яқин атрофдаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кабилар. Президентимиз Ислом Каримов ҳам бу вазифаларнинг долзарблигига эътибор қаратган эди.

Бугун Тошкент шаҳридаги туманлар ҳокимликлари ва тегишли ташкилотлар бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Масалан, Юнусобод туманида мавжуд 1267 та кўп қаватли уйнинг 800 та подъезди таъмирланиб, темир эшиклар ўрнатилди. Маҳаллалар ҳудудлари ободонлаштирилмоқда, болалар майдончалари қурилаётир. Маҳаллий уй-жой мулкдорларининг кўпчилиги танловда совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. «Тошкент экологияси: жамоатчилик иштироки» шиори остида ўтказилаётган танловдан кўзланган мақсад эса - одамларда ўз уйи, ҳовлиси, шаҳри учун шахсий жавобгарлик ҳиссини оширишдан иборат. Танлов якунлари Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрамида сарҳисоб қилинади.

ЎзА.

Иқтисодиёт

РЕЖАЛАР БИСЁР

Тадбиркорлик билан иш юритаётган «Шер-Аз-техно» масъулияти чекланган жамиятида бозорни ўрганиш асосида маҳсулот турлари янгилаб борилмоқда.

Амалга оширилиши кўзда тутилган режага кўра жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида техника ҳамда қурилиш анжомлари керамикаси тайёрланади. Ички бозорда ўз харидорига эга бўлиши мўлжалланаётган янги маҳсулот турини тайёрлаш учун эса қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Асосан маҳаллий хом ашёдан рўзғорда асқотадиган турли хил идишлар, ошхона жиҳозлари, эсдалик совғалари, гултуваклар, маиший-хўжалик буюмлари тайёрлашни йўлга қўйган ушбу корхона маҳсулотлари шаҳримиздаги 10 дан зиёд савдо шохобчалари орқали ўз харидорини топмоқда. Уларнинг турлари эса бозор талаби асосида янгиланади. Бугунги кунга келиб 200 хил маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада чинни ва сополдан тайёрланган маҳсулотларга безак берувчи рассомларнинг ҳиссалари каттадир. Айниқса, маҳсулот тайёрлашда азалий анъаналаримизга, шарқона урф-одатларимизга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбиркорлар ўз фирма дўконлари ҳамда ҳамкорлик қилаётган савдо шохобчалари орқали маркетинг ишларини ҳам олиб боришади, харидор талаб ва эҳтиёжини тинмай ўрганишади. Ана шунга кўра тайёрланган сифатли ва рақобатбардош товарлар ички бозорга чиқарилади.

САЛҚИН ИЧИМЛИКЛАР

Айни иссиқ паллада салқин ичимликлар жоннинг роҳати-да. Айниқса, у муздай ва мазали бўлса.

«Ҳуснора» корхонасида ишлаб чиқарилаётган 12 турдаги салқин ичимликлар ҳам ички бозорда ўз харидорини топмоқда. Шу йилдан иш бошлаган корхона цехлари салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг замонавий турдаги ускуналар билан жиҳозланган, Италия технологияси асосида самарали иш юритиш эса сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбиркорларнинг меҳнати эвазига ҳозирда бир сменада 4 минг донадан ортиқ пластик идишларга қадоқланаётган салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг келгусидаги нияти эса хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш асосида қўшма корхона ташкил этиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтиришдир. Шунингдек, пойтахтимизда ва вилоятларда ўз фирма дўконлари фаолиятини таъминлаб, харидорларга қулайлик яратишни ҳам мақсад қилишган.

Шарофат БАҲРОМОВА

ПОЙТАХТ МАЖМУАЛАРИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт мажмуаларининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлари муҳокамасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президентининг коммунал хўжалиги соҳасини ривожлантириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, коммунал хизматлар тўловларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган Фармонлари ҳамда ҳукуматнинг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш борасида пойтахтда ҳисобот даврида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Айниқса сезиларли ўзгаришлар кўп қаватли уйлар фондини бошқариш тизимида юзага келган. Чунончи, уй-жой мулкдорлари ширкатлар таркиби улар хизмат кўрсатаётган уйлар камайтирилиши ҳисобига сон жиҳатдан 2,5 бараварига ошди, буни эса ишга бўлган муносабатни мутлақо ўзгартиришга, ширкатларнинг барқарор фаолият юритишига шароит яратди деса муболаға бўлмайди.

Шунга қарамасдан, уй-жой секторида ободонлаштириш ишлари суст лигича қолмоқда. **Капитал қурилиш, коммунал хўжалиги, ободонлаштириш ва кўркамлаштириш масалалари бўйича мажмуа** йиғилиши кун тартибида бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари мақомига эга бўлган маҳалла ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари ролини ошириш масаласига асосий эътибор қаратилди.

Бугунги кунда пойтахт ҳудудининг 35 фоизини кўп қаватли турар жой бинолари эгаллайди ва бу ерда аҳолининг деярли 65 фоизи истиқомат қилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, шу йилнинг бошидан буён мавзелар ички ҳудудида ҳам, бевосита уй-жойларга кириш йўлакларию ертўлаларида ҳам тозалаш, таъмирлаш ишлари бажарилди. Таъкидлаш ўринлики, бунда пойтахтнинг деярли барча тузилмалари жонбозлик кўрсатди. Бу борада таъсирчанлик ва самарадорликка эришиш учун дастлаб уй- жой фонди тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, биринчи галдаги ва истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси тузилди. Лекин амалий ишлар таҳлилига қараганда, бу борада саъй-ҳаракатлар асосан фақат туман ҳокимликлари ва уларнинг тузилмалари ҳиссасига тўғри келаётганини кузатиш мумкин. Бунда маҳаллаларнинг иштироки эса кузатувчи сифатида бўлиб қолаётгани, улар ва уй-жой ширкатлари ўртасида ўзаро мулоқот ҳануз мавжуд эмаслиги яққол намоён бўлди.

Бугунги кунда маҳалла фаолларидан беш киши шунчаки эмас, балки ойлик маоши ҳисобида фаолият юритаётган бўлса, уй-жой мулкдорлари ширкати штат жадвалида ҳам камида бешта мутахассис мавжудлиги қайд қилинганини айтиб ўтиш ўринлидир. Шунга қарамасдан, ташаббус ҳам, ташкилий масалалар ҳам, шу жумладан молиялаштириш масалалари фақат ташқаридан бўлаётганини изоҳлаш қийин.

2005 йилда тубдан таъмирлаш ишлари 789 та кўп қаватли уйларда режалаштирилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткичнинг таъминланиши 25 фоизни ташкил этмоқда. Бюджет ажратмалари деярли ҳал этилган бўлсада, аммо 220 та уй аҳоли ҳамда ҳомийлар ҳисобига ёзилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳали-бери режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишига ишониш қийин, зеро бу борада молиялаштириш масаласи очиқлигича қолмоқда.

Йиғилишда шунингдек, коммунал хўжалигини кузги-қишки мавсумга вақтида тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди, таълим муассасалари объектларида қурилиш ва таъмирлаш муддатлари кечиктирилаётганининг сабабчиси бўлмиш пудрат ташкилотларига нисбатан танқидий фикрлар билдирилди.

Ижтимоий-иқтисодий мажмуанинг йиғилишида ҳам ижтимоий объектларда ишларни жадаллаштириш ва уларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш масаларига урғу бериб ўтилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш объектларида олиб борилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг суст лиги алоҳида таъкидланди. Аниқланишича, «Сиҳат-саломатлик йили» дастурига киритилган нефрология маркази қурилиши учун ҳануз молиялаштириш манбаи белгиланмаган. Шуларни инобатга олган ҳолда, Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига соҳа субъектлари раҳбарлари фаолиятини поликлиника ва шифохоналар моддий-техник негизини ошириш борасидаги фаоллигини ошириш, бу йўналишда грант лойиҳаларида иштирокни кенгайтириш, ҳомийлар маблағларини жалб этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат дастури доирасида янги ўқув йилига капитал таъмирлашдан сўнг иккита ҳамда капитал реконструкциядан чиқарилиши лозим бўлган 14 та мактабни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу объектларда ишлар ўнчалик қониқарли бўлмасада, жорий таъмирлаш жараёнида ҳам шошмашошарлик, юзакичилик кузатилмоқда. Бу борада ишлар сифати, қолаверса, мактаблар ҳудудлари ҳолати талабга жавоб бермайди, бу ерда яқин вақтлар ичида ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилганлиги кишида шубҳа уйғотади. Бу дегани ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар асосан расмиятчилик, хўжакўрсинга ўтказилаётгани, бунга махсус комиссия томонидан жойига чиқиб аниқлик киритилгани ачинарлидир. Бундай ҳолатнинг юзага келишини албатта, тегишли мактаблар директорлари, шунингдек, туман халқ таълими бўлимлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибати деб тушуниш мумкин.

Ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиши, шубҳасиз, иқтисодий кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми — 11,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари — 3,7 фоизга, асосий қўйилмаларга инвестициялар киритиш ҳажми — 17,4 фоизга, пудрат ишлари — 1,8 фоизга ошган. Лекин тармоқлар кесимида пойтахт иқтисодиётида ҳам ўзига яраша муаммолар кўп. Жумладан, саноат ҳамда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирган корхоналар сони ҳисобот даврида яна кўпайган, бу эса 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаганидан далолат беради.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ижроси бўйича ҳам истиқбол кўрсаткичлари таъминланмаган. Дастурга киритилган 78 та лойиҳадан атиги учдан бир қисмини амалга оширишга эришилган. Маҳаллий бюджет даромадларининг умумий қисми бажарилган бўлсада, аммо айрим манбалар бўйича пасайиш кузатилган. Шу билан бирга бюджетга боқимандалик 10,2 миллиард сўмга кўпайган. Хўжалик субъектларининг муддати ўтган дебитор қарздорлиги — 10 миллиард сўмга, муддати ўтган кредитор қарздорлиги — 46,3 миллиард сўмга ошган. Айрим туманларда ишчи-хизматчиларга ойлик маошини вақтида тўлай олмаслик масаласи сурункали тус олган. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 179 корхона ва ташкилотнинг ойлик маоши бўйича муддати ўтган қарзи 5,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Иқтисодий кўрсаткичлар муҳокамаси давомида туман ҳокимликлари, тегишли тузилмалар томонидан мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, қарздорликни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга йўналтирилган Ўзбекистон Президентининг Фармонлари ва Қарори ижросини таъминлаш борасида кенг чора-тадбирларни амалга ошириш, жойларда ривожланишнинг устувор вазифалари таъминланишида таъсирчанликка эришиш, ушбу мақсадда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини бажариш лозимлиги таъкидланди.

Ўтган давр мобайнида қилинган ишлар якунлари бўйича йиғилишлар шунингдек **Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқа қилиш** ҳамда **Оила, она ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуаларда бўлиб ўтди.**

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб номланганлиги, шунингдек, «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби масалалар алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги бу борадаги ишларнинг жадал амалга оширилишига замин бўлди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида қайд этилганидек, маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими ташкил қилиниб, бу ишга катта ҳаётий тажрибага эга, билимли, маҳалланинг жонкуяри бўлган онахонлар тайинланди. Ўтган бир йил давомида маҳаллаларда фаолият юритаётган маслаҳатчиларнинг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамда шаҳар Репродуктив саломатлик маркази ҳамкорлигида яқинда маҳалла маслаҳатчиларининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида бешта йўналиш бўйича ўқув семинари ўтказилди. Куни кеча шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ана шу семинар иштирокчиларига сертификат ва плакатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.



— Президентимиз Фармонларига мувофиқ маҳаллаларда иш олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида ушбу ўқув семинарини ташкил этдик,— дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилором Маҳамадалиева. — Анжуман иштирокчилари оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом оталикка, репродуктив саломатлик нима, ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш, гиёвандлик, ичкиликбозлик ва СПИД ва унинг олдини олиш ҳақида семинар давомида етук мутахассис шифокорлар томонидан етарли маълумотларга эга бўлишди. Шу билан бирга маслаҳатчиларнинг ўз фаолиятларида яна нималарга эътибор беришлари кераклиги, оилалар билан иш олиб боришда ҳар томонлама етарли тиббий билимга эга бўлишларида мазкур семинар катта аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин. Келгусидаги режаларимизда мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ўртасида ҳам шундай ўқув семинарларини ташкил этиш ниятидамиз.

Йиғилишда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий -ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар.

— Ушбу ўқув семинарида билмаган нарсаларни ўргандик ва бундан албатта хурсандмиз,— дейди Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфаррах Содиқова.— Семинарда турли соҳалардаги шифокор мутахассислардан кўп маълумотларни олдик ва тиббий саводхонлигимиз бирмунча ошди. Эндиликда олган билимларимиз оилаларга кириб борганимизда, аҳоли ўртасида бемалол тиббиёт соҳасида маслаҳатлар бера олишимизда, шу билан бирга оилалардаги тиббиёт соҳаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишимизда асқотади, деб ўйлайман.

Йиғилиш сўнгида ўқув семинар иштирокчиларига сертификат ва плакатлар топширилди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: ўқув семинар иштирокчиларига сертификатларни топшириш маросимидан лавҳа.

ТАНИ СИҲАТЛИК — ОЛИЙ БАХТ

Халқимизнинг яхши одати бор. Одамлар бир-бири билан учрашганда "Саломатмисиз?" деб сўрашади. "Хайр, саломат бўлинг" деб хайрлашадилар. Ҳақиқатан ҳам ҳаётнинг гўзаллиги, лаззати ва қадр-қиммати тани-сиҳатликда. Одам соғ-саломат бўлса, бахтли, кўнгли шод, ҳамма нарсадан мамнун, иши унумли бўлади.

Жисмоний ва руҳий поклик, тўғрилик ҳақиқатан ҳам соғлиқнинг гаровидир.

Юртбошимиз томонидан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши юртимизда халқ соғлигига бўлган эътибор нақадар юксак эканлигидан далолат беради. "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларининг алоҳида эътиборга олинганлиги, тиббий ходимларнинг ойлик маошларини ошириш масалалари ҳал қилиниши биз тиббиёт ходимларидан ўз ишимизга сидқидилдан ёндашишни, виждонан ишлашни талаб этади. Ҳозирги кунда халқимиз соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида самарали ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, ҳамма соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизими ҳам жадал равишда ислоҳ қилинмоқда. Турли замонавий технологиялар жорий этилиб, янги тиббий асбоб-ускуналар олиб келинмоқда. Шу билан бирга тиббиётда ечимини топмаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг муҳими, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш, сиҳат-саломатлик йўлида тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этиш йўлини топишимиз шарт.

Инсон доим соғ-саломат бўлиши учун меҳнат шароитларини енгиллаштириш, овқат ва дам олиш режимини тўғри ташкил этиш, атроф-муҳитни чангдан, шовқин-сурондан ҳоли қилиш, ичкилик, қашандалик, гиёвандлик каби иллатларга барҳам бериш зарур. Бу борада биз сиҳат-саломатлик посбонлари шу соҳада бўлаётган муаммолар ечимини топишга, тиббиёт йўналиши бўйича аҳолига юксак ва малакали хизмат кўрсатиш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширишда ўзимизни ўта масъул деб ҳисоблаймиз. Чунки биз учун халқни соғлом кўриш — олий бахт.

Озода АЛИМОВА,
14-оилавий шифохонанинг бош шифокори.

Халқ саломатлигини, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Зеро юртимизнинг келажаги оналар ва болалар саломатлигига боғлиқ. "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурларини ҳаётга татбиқ қилиш борасида юртимизда фаолият юритаётган аксарият тиббиёт муассасаларида ишлар унумли кечмоқда.



Оилавий поликлиникалар фаолиятидан

ТИББИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Бу борада шаҳримиздаги 45-оилавий поликлиникада ҳам асосий мақсад, аввало фуқаролар орасида тиббий маданиятни кўтариш, оилавий спортни ривожлантириш орқали ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёллар ва болалар соғлиғини яхшилашга қаратилган.

— Бизнинг 45-оилавий поликлиникамиз, — дейди биз билан суҳбатда поликлиника бош шифокори Дилором Марасулова. — 1964 йилда ташкил топган. Мана 41 йилдирки, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва даволаш йўлида тинмай изланяпмиз. Бугунги кунда бу тиббий муассасада 100 дан ортиқ ходим ишлайди. Шулардан 37 нафарини олий тоифали шифокорлар, 48 нафарини эса малакали ва тажрибали ҳамширалар ташкил қилади. Асосий вазифамиз эса аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсмир қизларни оилага тайёрлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида асоратсиз даволаш мақсадида профилактик кўриклар олиб бориш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, оилада тиббий маданиятни оширишдан иборатдир. Қачонки оилаларимиз тинч, фарзандларимиз соғлом ва баркамол бўлиб униб-ўсишса, бу бизнинг ютуғимиздир.



Дарҳақиқат, мазкур поликлиника тумандаги 6652 та оиладаги 23000 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари 4 та мактаб, 9 та боғча, 4 та коллеж ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети талаба ва ўқувчиларига профилактика, тиббий кўрик ва даволаш ишларини олиб боради.

Малакали шифокорлардан Раъно Носирова, Лола Солиева, Назира Шаханова, тажрибали ҳамширалардан Гулнора Собирова, Гули Нигматова каби ўз соҳасининг тўғри ўсиб-ривожланиши, овқатлантириш, чиниқтириш, уқалаш сирлари ўргатилади ва юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида кўрсатмалар берилади. Жорий йилда «Соғлом болалар» хонасида кўплаб турли мавзудаги суҳбатлар ўтказилди, 375 нафар оналарга уқалаш сирлари ўргатилди. Яна шуниси эътиборга лойиқки, поликлиникада «Соғлом танда – соғ ақл» шиори остида соғломлаштириш гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳга поликлиникадаги 30 га яқин хотин-қизлар аъзо бўлиб, ҳафтада 2 марта ўтказиладиган соғломлаштириш машғулотларига катта қизиқиш билан катнашишмоқда. Улар спортнинг гимнастика, шейпинг, баскетбол, шахмат-шашка турлари билан шуғулланмоқдалар.

Шуни айтиш жоизки, «Туркистон», «Миробод», «Конституция», Юнус Ражабий номли маҳаллалар билан ҳамкорликда режа асосида турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Бу ишларни амалга оширишда бош шифокор Дилором Марасулованинг жонкуярлиги, тинибтинчимаслиги ўз самарасини бермоқда.

Оила шифокорлари ҳар бир оиланинг соғлиғи учун масъулдир. Ишонамизки, 45-оилавий поликлиника ходимлари ўз бурчларига ҳамиша содиқ қолган ҳолда, бундан кейин ҳам халқ саломатлиги йўлида виждонан хизмат қиладилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: 45-оилавий поликлиника фаолиятидан лавҳалар.

Тўғри овқатланиш организмга таъсир этувчи кўпгина салбий омиллар (ортиқча оғирлик, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи ва асаб тизимининг таъсирчанлиги)нинг бўлмаслигини таъминлайди.

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — СОҒЛИК ГАРОВИ

Овқатнинг миқдорий меъёри, яъни истеъмол қилинаётган овқат қуввати кетган энергияни қоплаши керак.

Сифат мукаммаллиги. Овқат керакли миқдордаги оқсиллар, ёғлар, витаминлар ва минерал элементларга бой бўлиши керак.

Овқатнинг турлилиги — овқатланишда бир хил овқатлар такрорланмаслиги лозим.

Овқатланиш тартиби. Бу овқат истеъмол қилишнинг неча марталигига доир. Бир кунда 4 марта овқатланиш тавсия этилади, шунинг 2 мартаси иссиқ овқат бўлиши керак.

Кўрсатилган талабларга амал қилмаслик гипертония касаллиги, юракнинг ишемик касаллиги, миокард инфаркти, семизлик, ўт пуфаги тоши ва бошқа касалликларга олиб келади. Овқатланиш тартибининг бузилиши — бу турли гастритлар, ошқозоннинг, 12 бармоқли ичакнинг ярали касалликларига йўл очади.

Овқатланишда айрим озиқ моддаларининг етишмаслиги ёки ортиқчалиги ҳам организм учун зарардир. Озиқларнинг етишмаслиги алиментардистрофия, маразм ва квашиокорга олиб келади; ёғларнинг, айниқса ёғли кислоталарга бой ҳайвонот ёғларининг ортиқлиги — бу оқсил ва минерал элементлар алмашинувининг бузилиши, ўт пуфаги тоши касаллиги, семириш, юрак ишемик касаллиги манбаидир; углеводларнинг ортиқчалиги — семиришдир. Ортиқча ҳазм бўладиган углеводларни доимий равишда истеъмол қилиш сизни тўғридан-тўғри қандли диабетга олиб келиши мумкин.

Овқатда витаминларнинг етишмаслиги ҳам турли касалликларга олиб келади:

— А витаминининг етишмаслигидан — тунги кўриш сусаяди (шабкўрлик); кундузи кўриш доираси торайди, рангни ажрата билиш сустлашади;

— Д витаминининг етишмаслиги болаларда рахит, катталарда остеомаляция бўлишига олиб келади;

— Е витамини етишмаслигидан кўпайиш функцияси бузилади;

— B_{12} витаминининг етишмаслиги пернициоз камқонликка олиб келади;

— С витаминининг етишмаслиги тезда чарчаш, милкларнинг қонаши, иш қобилиятининг пасайишига олиб келади, қон томирларининг ўтказувчанлиги кучаяди, терида майда нуқтасимон қон қуйилиши пайдо бўлади.

Кўриб турганимиздек, инсон тўғри овқатланиш қоидаларига амал қилса, кўпгина касалликлар ва ноқулай ҳолатларнинг олдини олиш мумкин.

Р.АЛИМОВА,
доцент.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БЎЙЛИК

— Абдулла Муҳаррамович, сир эмас айни кунда халқимиз орасида сил касаллиги кўп учрамоқда. Ушбу касаллик ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида гапириб берсангиз.

— Сил тананинг барча аъзоларида, асосан ўпка тўқималарида ўзига хос яллиғланиш рўй бериши билан кечадиган юқумли касалликдир. Сил касаллиги инсониятга қадимдан маълум. Касаллик ҳақида маълумотлар Гиппократ, Ибн Сино асарларида ҳам қайд этилган. Лекин касалликни қўзғатувчи сабабчи — сил микобактериялари 1882 йили немис олими Роберт Кох томонидан топилган. Микроскопда кўрилганда микроб донсимон заррачали, ингичка,тўғри ёки салгина букилган таёқча- бацилла шаклида кўрингани учун уни сил таёқчалари- Кох бацилласи деб аталган. Кейинги вақтларда сил микобактериялари деб аталган Кох таёқчалари беморнинг балғамида ва бошқа чиқиндиларида, шунингдек беморларнинг мурдаларини текширилганда касалланган барча аъзоларида топилган. Сил билан нафақат одамлар, балки ҳайвонот дунёсидан 50 тури ва паррандалардан 60 тури касалланиши аниқланган. Уй ҳайвонларидан қорамол сил билан касалланишга жуда ҳам мойилдир. Сил билан итлар ва уй мушуклари ҳам оғрийдилар. Демак сил касаллигининг тарқалишида бемор одам билан бир қаторда юқорида кўрсатилган ҳайвон ва паррандалар ҳам сабабчи бўлишлари мумкин.

Касаллик манбаи бўлиб асосан бемор одам ҳисобланади. Чунки унинг ўпкасида касаллик ўчоқлари бўлиб, агар емирилиш даврига ўтса йўталганда чиқараётган нафаси орқали ҳаво орқали 1 кун миқдорда сил бацилларини балғамнинг майда заррачалари ила ҳавога тарқалади. Бу заррачалар ҳавода 1,5 соатча муаллақ туриши мумкин. Бемор балғами ерга тушганда у қуриёди ва таркибидаги сил бацилларини атрофга ёйилади. Бу бациллалар ҳаво орқали соғлом кишининг нафас йўлларига ва ўпкасига тушиши ва касаллик чақириши мумкин. Бундан ташқари сил бацилласининг қорамол сути ёки гўшти истеъмол қилинса ҳам сил бацилласи киши танасига тушиб касаллик келтириб чиқариши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ахборотига кўра 90-йиллардан бошлаб ер куррасининг барча ҳудудларида сил билан касланиш ва ўлим ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Ҳар йили жаҳонда 9 миллион киши шу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юммоқда. Сил ҳар сонияда бир одамга юқмоқда, охирги йилларда сил юққан кишилар сони 300 миллион кишини ташкил этади.

— Сил касаллигининг асосий белгилари қандай кўринишларда намоён бўлади. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Сил бошқа хасталиклардан фарқли ўлароқ кишиларда турли-туман кўринишда намоён бўлиб, касаллик кечиши ҳам ҳар хил бўлади. Сил билан ёшу қари, аёлу эркак баравар оғрийдилар. Бу касалликда нафақат ўпка, балки бошқа аъзолар ҳам шикаст-ланади: суяк бўғимлари, кўзлар, тери, буйраклар, лимфа ва асаб тизимлари ва ҳоказо. Баъзан касаллик шиддат билан ўпка зотилжами ва ич терламага ўхшаб бошланади. Бошқаларда эса билинар-билинмас,ширинча бошланиб тасодифан рентгенологик текширувда аниқланади. Лекин аксарият сил секинаста ривожланиб ҳар турли умумий ва маҳаллий ўзгаришлар ила намоён бўлади. Касалликнинг турли-туман манзарага эга бўлишининг сабаби кўпдир. Булар микобактерияларнинг хусусиятига, юқтирилишнинг салмоғига, беморнинг ёшига, инсон танасининг касалликка қарши кучига (иммунитетига), асаб тизимининг қўзғалувчанлигига, микобактериялар юққанида ҳам касаллик ривожланмайди. Баъзи беморларда эса инфекцияланиш касаллик ривожланишига олиб келади, тана ҳароратининг 37,0 — 37,5 гача кўтарилиши сил касаллигига хосдир. Кўпинча иситма жисмоний иш қилгандан кейин, кечқурун чиқади. Тез-тез калта ва қуруқ йўтал пайдо бўлади. Кейинроқ йўталганда балғам ажрала бошлайди.Айрим ҳолларда балғам қон аралаш чиқади. Булар ҳам ўпка силига хос аломатлардир. Шунингдек, беморнинг иштаҳаси йўқолади, кундан кунга озади, бироз ишласа ҳам чарчаб қолади, уйқуси ёмонлашиб серзарда бўлиб қолади. Агар кишиларда мана шундай белгилар пайдо бўлса албатта шифокорга мурожаат қилишлари зарур.

— Бугунги кунда мамлакатимизда сил касаллигини даволаш ва унинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам маълумот берсангиз.

— Муолажа одатда махсус силга қарши шифохоналарда бошланади ва касаллик турига қараб 3-4 ойгача давом этади. Муолажада силга қарши дори-дармонлардан изониазид, метазид, фтивазид, рифампицин, этамбутол, стрептомицин, пиразинамид ва канамицин қўлланилади. Булардан ташқари патогенетик,иммунномодулятор, сўрдирувчи дори-дармонлар ва витаминлар ҳам зарурият бўлганда ишлатилади. Агар беморларнинг умумий аҳволи қониқарли, ўпкадаги жараён кичкина бўлса ва балғамида микобактериялар топилмаса, муолажани уй шароитида силга қарши диспансернинг ҳудудий (фтизиатри) назорати остида ўтказиш мумкин. Ҳозирги кунда республикамизнинг ҳамма ҳудудларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таклиф этган DOTS дастури -яъни беморларда бевосита тиббий ходим назорати остида қисқа муддатли кимёвий даволаш курслари ўтказилмоқда.

Касалликнинг олдини олиш учун оилада бемор топилганида оиланинг барча аъзолари силга қарши диспансерда текширувдан ўтишлари керак. Уларни рентгенологик, 12 ёшгача бўлган болаларда эса манту синамаси қўйилиб текширилади. Айтиб ўтганимиздек сил касаллиги бақувват кишиларда жуда кам ривожланади ва аксинча нимжон кишиларга тез юқади. Бундан келиб чиқиб силнинг олдини олишда инсон танаси қувватини оширувчи тадбирларни ўтказиш лозим, буларга — соғлом меҳнат ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, спорт билан шуғулланиш, танани чиниқтириш, меъёрида овқатланиш ва дам олиш киради. Шунингдек силнинг специфик профилактикаси ҳам касалликнинг олдини олишда муҳимдир. Бунинг учун БЦЖ вакцинаси билан силга қарши эмлаш лозим. Эмлаш натижасида тананинг силга қарши қуввати, иммунитети ошади. Силнинг олдини олишда химиопрофилактика ҳам ўтказилади. Химиопрофилактиканинг мақсади сил юққан кишиларда касаллик ривожланишини тўхтатишдир.

Хулоса қилиб айтганда, сил касаллиги агар кишилар ўз соғлиқларига эътибор берсалар уларда ривожланмайди. Касаллик белгилари пайдо бўлиши билан шифокорга мурожаат қилинса, ўз вақтида ташхис аниқланади, бу эса беморларнинг муолажасини бутезлик билан бошлаб касалликдан бутунлай қутулиш учун имкон яратади ва атрофдаги одамларга сил юқишининг олдини олади.

Дилором ИКРОМОВА
суҳбатлашди

ХАВФЛИ КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Мамлакатимизда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда. Халқимиз орасида учраётган кўпгина хавфли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш бугунги кунниг долзарб вазифаларидандир. Шу жумладан ҳозирги кунда кенг тарқалган сил касаллиги ҳақида бугунги суҳбатдошимиз Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, профессор Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВга бир нечта савол билан мурожаат қилдик.

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

"Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармасида скрининг марказларига махсус ускуналар ва дори-дармонлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика скрининг маркази ва бир қатор халқаро ташкилотлардан масъул ходимлар иштирок этди.

Жамғарма томонидан скрининг марказлари орқали ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патология ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ҳамда уларни зарур дори- дармонлар билан таъминлаш учун тендер савдолари эълон қилинган эди. Тендер таклифлари бўйича Австриянинг "Nycomed Austria Gmbh" компанияси тендер савдосида ғолиб деб топилди. Жорий йилнинг июнь ойида "Nycomed Austria Gmbh" компанияси билан ҳамкорликда "Соғлом авлод учун" жамғармаси жами 29600 АҚШ доллари миқдорида 10520 қадоқдан иборат "Йодид 100", 2000 қадоқдан иборат "Эутирокс" препаратлари ҳамда мурувват йўлида жами 4441 АҚШ доллари миқдорида доридармонлар қабул қилиб олди.

Шу жумладан жамғармада республикамизнинг Фарғона, Наманган, Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси скрининг марказлари ҳамда Тошкент шаҳридаги Республика скрининг маркази учун юқорида келтирилган ҳамма сифатли препаратлар ва Новий вилоятида ташкил этиладиган скрининг маркази учун 150.000 АҚШ доллари миқдоридаги 1 дона "Делфия Виктория" махсус диагностика ускунаси топширилди.

Отабек НАҲАНОВ



Халқимиз саломатлигини тиклаш, маданий дам олишларини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиҳатгоҳларнинг ўрни беқиёсдир. Жумладан пойтахтимиздаги «Турон» санаторийсида ҳам ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилли дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

СУРАТДА: «Турон» санаторийсининг реабилитация бўлими катта ҳамшираси,олий тоифали ҳамшира Гулчеҳра Ғуломова ҳамда олий тоифали кардиолог, реабилитация бўлими мудири Карим Мансуров дам олувчиларнинг саломатликларини тиклаш, мазмунли дам олишлари йўлида доимо қайғурадилар.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ХАЛҚ ТАБОБАТИДАН

- Жавдар нон (қора нон) соғлом кишилар учун жуда фойдали, у одамга қувват беради. Жавдар нон жуда юмшоқ ҳам, қаттиқ ҳам бўлмасин. Акс ҳолда жигилдонга тикилиб қолиши мумкин. Меъдасида яраси бор одамлар бугдой нон еганлари маъқул.
- Шамоллаганда жавдар сомонини қайнатиб, дамлаб ичилса йўтални қолдиради.
- Сули кепагини қайнатиб ичилса, пешоб тутилмайди.
- Бирор жойингиз шилиниб, қирилса, гречка ёрмасини сутда қайнатиб қўйилса тез битади.
- Пиёз сувига асал қўшиб ичилса, йўтал қолади ва томоқдаги дард тузалади.
- Пиёз сувига 1:10 нисбатда сув қўшиб оғиз чайилса, милкдаги яралар тузалади.
- Пиёз сувини бурунга томизсангиз тумов тузалади.
- Саримсоқни эзиб сувини бошга суртилса, сирка йўқолади, соч бақувват бўлади.
- Қалампир меъдани тозалаб, иситади. Лекин кўп ейилса зарар қилади.
- Ялпиз ичакларни бақувват қилади. Ялпизни эзиб, сувига сирка қўшиб, пешона ва чаккага суртилса бош оғриғини қолдиради.
- Укропни қайнатиб, сувини эрталаблари ичилса, талоққа ва жигарга фойда қилади. Яра шишганда укропни қўйсангиз шиш қайтади.

Сўраган эдингиз...

ЭМЛАНГАНЛАР ҚИЗАМИҚҚА ЧАЛИНАДИМИ?

Ҳурматли таҳририят ходимлари. Яқинда менинг икки фарзандим бирин-кетин аввалига томоқлари оғриб, сўнг қизил тошмалар тошиб оғришди. Шифокор уларни кўриб қизамиқ деб ташхис қўйди. Ҳайронман, ёшлигида қизамиққа қарши эмланган бўлса ҳам кейинчалик ушбу касаллик билан оғриши мумкинми? Шу ҳақда мутахассис шифокор маслаҳатини берсангиз.

Камола Собирова, Учтепа тумани.

Газетхоннинг ушбу саволига Республика Саломатлик институти Тошкент шаҳар филиалининг бўлим бошлиғи Нафиса Мақсудова қуйидагича жавоб беради.

— Қизамиқ касаллиги ҳаво томчи йўли орқали юқадиган юқумли касаллик бўлиб, асосан тана ҳароратининг кўтарилиши, юқори нафас йўлининг касалланиши ҳамда танада тошма тошиши билан характерланади. Қизамиқ касаллигини вирус чақиради, у ташқи муҳитга жуда сезгир бўлиб, ҳавода учиб юради. Касаллик манбаи қизамиқ билан оғриган бемор бўлиб, ундан йўталганда, аксирганда вируслар ҳавога тарқалиб, соғ одамга юқади. Бемор тошма тошгандан сўнг 5 кунгача атрофдагилар учун хавфли ҳисобланади. Бу касаллик асосан ёш болаларга хос бўлиб,ҳозир катталар ўртасида ҳам учрамоқда, айниқса талабалар ўртасида.

Касалликнинг яширин даври 9-10 кундан 14-17 кунгача бўлиши мумкин. Касалликнинг учинчи кунидан бошлаб танага тошма тошади.Касаллик уч даврга бўлиниб, катаралъ даври — 3-5 кун, тошма тошиш даври — 3 кун, тузалиш даври — 2 ҳафта давом этади. Касаллик лоқаслик, ҳароратнинг кўтарилиши, йўтал, конъюктивит билан бошланади. Танага тошма тошиш даврида ҳам ҳарорат юқори, тошмалар тиниқ тугунчасимон бўлиб,аввал қулоқ орасида, юзи ва бўйинда, касалликнинг иккинчи куни баданига ва учинчи куни оёқ қўл ва оёқларга тошади. Касалликнинг тўртинчи кунидан бошлаб шу тариқа тошмалар қайтиб,қипиқланиш даврига ўтади. Бу пайтга келиб тана ҳарорати кўтарилиши бу асоратларнинг қўшилганидан далолат беради.

Касалликнинг биринчи аломати бошланиши билан шифокорга мурожаат қилиш лозим. Чунки қизамик асоратлари бўлиши зотилжам, отит, ларингит, стоматит ва энцефалит каби касалликлар билан жуда хавфлидир. Унинг олдини олишнинг бирдан бир манбаи қизамиққа қарши эмлашдир. Эмлаш боланинг 9-16 ойлигида ўтказилади. Эмланганларнинг орасида 99 фоизида касаллик учрамайди, учраса ҳам енгил ўтади. Ҳурматли ота-оналар, касалликнинг олдини олиш учун болаларингизни қизамиққа қарши ўз вақтида эмлатинг.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўйланиб донолик бўлур...

● Яхши хотин билан яшаш — ҳаёт бўронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса — кулбангда кўтарилган бўрондай гап.

● Яхши хотин жон малҳами.

Ривоят:

Бир неча хотинга уйланган узоқ бир ўлканинг султони ҳамма аёлларидан бисёр фарзанд кўрибди. Лекин султоннинг ўртанча хотини Садоқат ўз эрига жуда садоқатли экан. Шунинг учун султоннинг бу хотинга меҳри ўзгача эди. Уларнинг уч яшар ўғилчаси бўлиб, у ҳам ақлли, доноликда ўзгалардан ажралиб тураркан. Султоннинг бошқа хотинлари эса фақат эрининг ўлимини кутишар, унинг мол-мулкини талон-тарож қилиш пайида яшарканлар. Нияти бузуқ хотинлар Садоқатни ва унинг ўғилчасини жуда ёмон кўриб, бир куни турли ҳийла ишлатиб, она-болани султонга ёмонлайвериб, охири ниятларига етишибди. Султон хотинларининг сўзига ишониб, Садоқатни ўғли билан кўчага ҳайдаб чиқарибди. Хотин билан ўғил султондан шафқат сўрашибди. Лекин у ўз сўзидан қайтмабди. Охири она-бола йиғлай-йиғлай бу юртдан бош олиб чиқиб кетибди.

Қувғин қилинганлар қўшни подшоҳ юртига ўтишганида навкарлар бу бегона аёл билан ўғилни ушлаб, подшоҳ ҳузурига келтиришибди. Подшоҳ уларни бандидан озод этиб, хонадонига хизматкор қилиб олибди. Садоқат подшоҳга ҳалол хизмат қилибди. Ниҳоят, Садоқатнинг донолиги, тадбиркорлигини кўрган подшоҳ унинг ўзини хотин, ўғлини эса ўзига фарзанд қилиб олибди. Бола ўгай ота паноҳида тарбияланиб, вояга етибди. Подшоҳ билан онаси оламдан ўтганидан кейин уларнинг қабрига чироқ ёқибди. Эл-юрт паҳлавон Баҳодирни отасининг ўрнига подшоҳ қилиб тахтга кўтарибди.

Султон эса қаригач, унинг хотинлари ва ноқобил ўғиллари мол-мулкини талон-тарож қилишиб, парокандага учраган юртдан султонни қувғин қилишибди. Султон вафодор хотини Садоқат ва ўғли Баҳодирни излай-излай кўп юртлар кезибди. Бир куни навкарлар бозорда дарбадар кезиб юрган султонни банди этиб юрт подшоҳи Баҳодирнинг ҳузурига келтирибдилар. Подшоҳ султонни авф этиб, уни бандидан озод қилиб, сарой атрофида қолдирибди. Подшоҳнинг марҳаматидан шодланган султон ҳар куни унинг ҳузурига кириб, умрига ва салтанатининг боқийлигига узундан-узоқ дуо қиларкан.

Бир куни султон Баҳодир ҳузурига кирганда унинг қулоғидаги кичик бир чандиққа кўзи тушибдию, унга узоқ тикилибди. Подшоҳ билан суҳбатлашиб, унинг ўз ўғли Баҳодир эканлигига астойдил ишонибди. Кейин унга ётиғи билан бутун воқеаларни рўйи рост айтиб берибди. Ниҳоят дард билан «Ўғлим», дея унга қучоқ очганда Баҳодир дарғазаб бўлиб, навкарларни чақириб султонни бу юртдан чиқариб юборишларини буюрибди. Воқеадан хабардор бўлган вазирлардан бири унга:

—Шаҳаншоҳим, наҳот ўз отангизни юртингиздан ҳайдаб чиқарсангиз? — деганида подшоҳ

— Менинг отам ўлган, бу одамни танимайман. Агар бу менинг отам бўлганида онам билан мени ўз юртидан қувғин қилармиди, — деб жавоб берибди.

Қилмиш-қидирмиш. «Экканингни ўрасан», деганлари шу бўлса керак-да.

Йиллар садоси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ҲИКОЯ

Бу йиллар бизга қадрли эди. Қадриятларимиз тиклана бошлаган, Наврўзимиз қарор топган, компартияда парокандалик бошланган йиллар эди. Биз узоқ интиқиб, орзиқиб кутган Озодлик кун қачон келишини аниқ билмасакда, ҳарқалай унинг эпкини бу кун яқинлашиб қолганини эслатиб турарди.

Барча матбуот органлари қатори «Оқшом» газеталарида ҳам «Ўзлигимизни таний бошладик», «Эътиқод бутун бўлса», «Миллийликни сақлаб қолайлик», «Мустақиллик амалда бўлсин» сингари озодлик ва эркни тараннуман этувчи мақолалар ўз аксини топа бошлаган ва халқ хоҳиши, иродаси билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг (ҳозирги Олий Мажлис) иккинчи сессиясида Мустақиллик Декларацияси қабул қилинган эди. Унинг бандларидан ўрин олган жумлалар ўзбек халқининг тўла озодликка эришиши йўлидаги орзу-умидлари яқин кунлар ичида рўёбга чиқишидан далолат бериб турарди.

«Оқшом»нинг 1990 йил 18 май сонида эрк ва бахт куйчиси Ҳамид Олимжоннинг 80 йиллиги муносабати билан эълон қилинган «Мен элимнинг юрагида яшайман» деган саҳифа юқоридаги сўзларимизга ҳамоҳанг бўлиб тушгандек кўринади.

Шоирнинг ижодий йўлига бағишланган етакчи мақоладаги «Улкан адиб, истеъдодли шоир, ёзувчи, журналист, драматург, публицист ва адабиётшунос олим Ҳамид Олимжон ҳаёт мактаби, устоз Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон адабий мактабидан баҳраманд бўлган ва ўзи ҳам бой ижоди билан мактаб яратган бетакрор бадиий сўз санъаткоридир», деган жумлаларнинг ўзи ҳам шоирнинг озодлик ва эрк куйчилари билан бир қаторда турганлигини ва ўзи етолмаган нурли кунлар келишини орзиқиб кутганлигини исботлаб турибди.

Журналист халқи доим давр билан бирга юради, унинг хуш онларини хушнудлик билан қаламга олади, замонага хос ва мос бўлмаган иллатларга қарши муросасиз курашади. «Оқшом»нинг 90-йилдаги саҳифаларини бирма-бир варақлаб, ундаги мақолалар билан танишган киши юқоридаги фикримизга қўшилади албатта. Газетанинг ҳар бир сонида гарчи очиқ- ойдин айтилмай бироз пардага ўралган бўлса-да, тагзаминида мустақиллик, озодлик билан боғлиқ мақолалар чиқиб турганлигини ҳис этиш қийин эмас. Бундайлар жумласига «Ядиллик зарур», «Бағримизга шамол тегди», «Тошкентда хусусий корхона», «Бозор иқтисодиёти бўсағасида», «Жанжалдан кимга наф?», «Танқидга лоқайд бўлмайлик», «Вазминликка нима етсин» ва бошқа шу каби мақолаларни киритиш мумкин.

«Оқшом»га янги муҳаррир келиши билан унинг йўналишида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди. Газетанинг юзи, шакли-шамойили сезиларли даражада янгиланди. Янги рукнлар пайдо бўлди, танқидий мақолаларга эътибор кучайди. Газетанинг ҳар шанба сонида «Шанба фельетони» эълон қилинадиган бўлди. Суд маҳкамаларидан хабарлар ва жиноятчиликка оид чиқишлар қилинди.

Бир сўз билан айтганда, газетанинг ўқимишлилиги ортди. Масалан, «Оқшом» нинг 7 июнь сонида эълон қилинган «Пашша — яша» сарлавҳали шанба фельетонидаги қуйидаги жумлаларга эътибор беринг. «Дунёда иккита ёмон махлуқ бўлса бири пашшадир. Пашша ҳақида гап кетганда беихтиёр «Шурикнинг янги саргузаштлари» фильми ёдга тушади. Танбал (артист А.Смирнов) ухлаб ётганида уни пашша талайди. Пашшани ҳайдаш баҳонасида Шурик унинг пешонасига газета тахлами билан туширади. У туриб Шурикка ташланмоқчи бўлади. У шунда ҳавода учиб юрган пашшага ишора қилиб: «Пашша!» дейди. Танбал эса «Яша!» дейди. Гарчи бу кулгили бир ҳолдек туюлса-да, унинг замирида аччиқ ҳақиқат бор. Демак, хира пашша зарарли, касал тарқатувчи ифлос махлуқ». Шундай қизиқарли сатрлар билан бошланган фельетонни ким ҳам ўқимайдию, ундан ўзича хулоса чиқармайди дейсиз.

Ўшанда камина ҳам фельетон ёзиш пайига тушиб қолдим. Ҳа деганда қизиқарли мавзу топилавермади. Ке, олдин ишни жўнрокдан, бирор суд ҳукмини ёритишдан бошлай, деган ниятда суд очеркларининг пири бўлган Эсон Қосимовнинг олдига кирдим.

— Сизбоп битта материал бор, шуни кўринг, чиройли нарса чиқарса бўлади, — деди фикримни эшита туриб Эсон ака.

Ҳамкасбим тақдим этган суд ҳукмини ўқий туриб, фикрлар ўз-ўзидан қуюлиб кела бошлади. Орадан икки соат ўтар-ўтмай, тўрт қоғозли, «Алдаркўса қўлга тушди» деган материал тайёр бўлди. Тезда уни машинкадан чиқариб бўлимга топширдим. Кўп ўтмай мақола газета юзини кўрди.

Уни ўқиб, ҳузурланиб ўтирсам, Эсон Қосимов югуриб олдимга келди.

— Нима қилиб қўйдингиз? — деди у норози қиёфада.

— Тинчликми, нима қилибман?

Кейин билсам мен тайёрлаган суд ҳукми ҳақида бундан бир ой муқаддам Эсон Қосимовнинг ўзи «Алдаркўсанинг найранглари» сарлавҳали суд очерки ёзиб, газетада бостирган экан. Ўхшашликни қарангки, ҳатто ҳар иккала мақоланинг сарлавҳаси бир-бирини такрорлагандек эгизак бўлибди. Хуллас ҳеч биримиз билмаган ҳолда бир суд очерки икки марта газета юзини кўрибди.

Орадаги бу янглишмовчиликни сир сақлашга қарор қилдик. Йўқ, қайда, тушдан кейиноқ телефон қўнғироқлари янграй бошлади. Бу воқеа зукко газетхоннинг эътиборидан четда қолмади. Жамоа йиғилишида қилмишимизга яраша жазоландик.

Бу воқеа бир ҳамкасбимиз айтиб берган тасодифий ҳолатни беихтиёр ёдга солади.

Дўстимиз дам олиш куни аёли билан Санъат саройига кино кўргани келаётган экан. Ўрдадан троллейбусга чиқишибди. Биринчи ўриндиқ бўшлигини кўриб дўстимиз унга ўтирибди. Лекин ҳали тузук-қуруқ жойлашмай туриб, кетма-кет беш-олти ёшлар чамасидаги боласи билан ёшгина бир рус аёли троллейбусга чиқибди. Дўстимиз дарҳол болага жой бўшата туриб ҳазил тариқасида: «Садись Коля», деса, чиндан ҳам боланинг оти Коля экан. У ҳайрон бўлиб онасига қарабди-да, русчалаб, «Ойи, амаким мени қаердан билади?», деб сўраса, онаси ҳам ҳазилга ҳазил билан: «Амакинг билан биз эски танишмиз» дебди кулиб. Бу гапдан бошқача маъно уққан ҳамкасбимизнинг аёли дарҳол тўнини тескари кийибди.

Кино кинода қолиб, аёл аразлаб уйига жўнабди. Дўстимиз йўл-йўлакай хотинига ҳақиқатни айтиб, «Бу бир тасодиф» дермиш. Лекин хотин барибир тумтайишини қўймас эмиш. Биз ҳам шу каби тасодифнинг «қурбони» бўлишимизга сал қолган. Ана ўшанда журналистдан улкан масъулият ва диққат-эътибор талаб этилишини яна бир бор юракдан ҳис этганмиз.

«Оқшом» таҳририятида воқеани олдиндан кўра-биладиган ва унга тўғри йўналишда ўз муносабатини билдира оладиган талантли журналистлар талайгина эди. Бунга мисол тариқасида Абдулла Нуримовнинг (охирати обод бўлсин) «Энди ўрнингиздан туринг, Ойдин» сарлавҳали танқидий мақоласини келтиришимиз мумкин. Мақолада ўша йиллари учун бутунлай янгилик бўлган хусусий тадбиркорлик ҳақида сўз боради. «Чорвадор» ширкатининг раиси Ойдин Ҳожимуҳамедов ўзи раҳбар бўлган кичик жамоанинг маҳаллий бюрократлар, турғунлик даврининг мавжуд консерваторлари зарбасига учрагандан кейин ҳақиқат ва кўмак излаб жуда кўп идораларга бош уради. Лекин бирорта раҳбардан амалий ёрдам ололмайди.

Воқеа аслида бундай бўлган. Оқойдин анчадан буён кўнглида тугиб қўйган режаларини амалга оширмоқчи бўлади.

— Ширкат тузамиз, — дейди у, — номини ҳам ўйлаб қўйганман: «Чорвадор». Ҳаммага маълумки, гўшт Тошкентда анча танқис. Ниятлар амалга ошса, ҳам халққа, ҳам ўзимизга фойда. Кабобхона очиб, одамлар нонини туя қилгандан кўра пешона тери тўкиб даромад топган афзал.

Унинг сўзига ширкатга аъзо бўлиш иштиёқида бўлган йигитлар рози бўлишади. Шундай қилиб ўзбек ва қозоқ йигитларидан ширкат тузилади. 10 кишидан иборат аъзоларнинг ҳар бири 7-9 минг сўмдан ўртага ташлаб, ширкатнинг моддий базасига асос солишади, давлатдан ҳам қарз кўтаришади.

— Бизга тўрт гектарча ер ажратиб берсангиз, — дейди Оқойдин хўжалик раҳбари олдига кириб. — Ана шу майдонни тутзор қилиб пилла етиштирамиз. Хомчўт қилиб чиқдик. Маҳсулотимизни чет элга, жумладан, Японияга етказиб бериб турсак қисқа муддат ичида шу хўжаликнинг компьютерлашган минг бош қорамолга мўлжалланган чорва мажмуасини вужудга келтириш имконига эга бўламиз.

Хўжалик раҳбари бажонидил рози бўлади, ўша ҳажмдаги майдон ажратиб берилади. Йигитлар енг шимариб ишга киришиб кетишади. Ер текисланади, шудгорланади, сув келтирилади.

Энди иш бошлаш арафасида шу орада жамоага янги раҳбар тайинланади. Ширкатдан хабар топган раҳбар йигитларни далага яқинлаштирмай қўяди.

Меҳнатлари зое кетган йигитлар тушкунликка тушишмайди. Ниятларини амалга ошириш учун бошқа чоратадбир излайдилар. Ниҳоят, шу хўжаликка туташ бўлган Қозоғистонга қарашли бошқа хўжалик бошлиғи билан келишиб, баланд қир устидан 31 гектар ерни шартнома асосида фойдаланиш учун ижарага олишади.

Энди ишлаш керак эди. Нимадан бошлаш керак? Ҳамма ёқда харсанг тош, ахлат ташланаверганидан ер сатҳини кўриб бўлмайди. Азаматлар шунга ҳам рози бўлишди. Чунки шартнома 10 йил муддатга тузилган. Бу давр ичида сарфланган меҳнат ва харажат ўзини қоплабгина қолмай, бир неча ўн баробар даромад ҳам келтиришини йигитлар яхши билишади. Хуллас, ярим йил давомида ер сатҳини тозалаш, текислаш, 30 метр баландликка сув чиқариш, техника топиш билан банд бўлишади.

10 нафар йигитнинг шу қисқа муддат ичида бу қадар катта ишларни бажариши мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Ширкатчилар олдида энди сув муаммоси кўндаланг турарди. Тошкент Геологоразведка базаси ходимлари ёрдамга келишди. 300 метр баландликда диаметри 300 сантиметрли қувурлар ётқизилди, юқорида металдан каттакон ҳовуз ясаб, ундан уч томонга шохобчалар тортилди. Ниҳоят, июль ойининг ўрталарида ерга уруғ қадалди. Ернинг хусусиятини билиш мақсадида оз-оздан, турли хил экинлар экилди. Маълум бўлдики, бу тупроқ асосан қовун, тарвуз, картошка ва помидорни хуш кўради.

Афсуски, йигитларнинг шодликлари узоққа чўзилмади. Хўжалик раҳбарлари кўп ўтмай бир томонлама шартномани бузиб, не-не ҳасратда ўзлаштирилган, сув чиқадиган тайёр ерни улардан тортиб олиб қўйди. Сабаби суриштирилганда, хўжалик маъмурияти шундай жавоб қилди: «Қишлоқ аҳли яйлов топиб беринглар», деб талаб қилиб туриб олганмиш.

Орзусига эришолмаган ширкат аъзолари «Оқшом» газетасига мурожаат қилишди. Орага газета аралашуви, қанча талашиб-тортишиш, ёзишмалардан кейин ҳақ жойида қарор топди. Хўжалик 31 гектар ерни ўзлаштириш учун кетган барча сарф-харажатларни қайтариб беришга мажбур бўлди.

«Оқшом»нинг 1990 йилги саҳифаларини варақлаган киши шу каби мақолаларни кўплаб учратади ва улар орқали ўзига хос баъзи бир керакли маълумотларга эга бўла олади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Назм гулшани

ВАТАННИ АСРАШ ИЙМОНДАН

Одамлар! Тангри яратган бизни,
Иймонни бериб ёритган юзни.
Ватанни севмоқ асли иймондан,
Унингчун ҳатто кечурлар жондан.

Бут бўлса иймон адолат шунда,
Суст бўлса виждон разолат шунда.
Икков гар мажруҳ тубан диёнат,
Шундандир риёё, ҳасад, хиёнат.

Беқадр этманг азиз эрк нархин,
Тескари бурманг адолат чархин.
Ҳамиша асранг иймон, виждонни,
Улуғлаб номин бани инсонни.

Мўминлар! Қилманг бир-бирга риё,
Ўзгалар бахтин этманг ҳеч риё,
Тирикка айланг мурувват мудом,
Ўтганга атанг қалбдан сиз дуо.

Бугунги хирмон кечаси дондан,
Боболар юртни севган иймондан.
Ватанни сақланг худди Темурдек,
Ҳар қарич ерин билиб биллурдек.

Унутманг, киндик қонимиз шунда,
Буюк аждодлар руҳи ёр бунда.
Сиздан умидвор, Сизга мададкор,
Айла бу юртни дерлар улуғвор.

Дўстга дўст бўлинг, унга ўқ узманг,
Буюк боболар одатин бузманг,
Она юртга ким этса тажовуз,
Билинг у ёғий ҳамда беномус.

Жон бериб, ҳатто асранг Ватанни.
Ҳар қадам ери мисли саждагоҳ,
Бу ердан кимлар ўтмаган, эвоҳ...

Одамлар! Тангри яратган бизни,
Иймонни бериб ёритган юзни.
Ватанни асраш асли иймондан,
Унингчун ҳатто кечурлар жондан.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

Долзарб мавзу

МАНЗИЛИ КЎРСАТИЛМАГАН МАҲСУЛОТЛАР

ЁХУД ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ДИДИНИ СИЙҚАЛАШТИРАЁТГАН ДАФТАРЛАР БЕЗАКЛАРИ ХУСУСИДА

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорларимизнинг изчил ва барқарор фаолият юритиши учун уларга барча имкониятлар яратилаётгани яхши маълум. Бундан оқилона фойдаланган ҳолда уларнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб ёки хизмат кўрсатиб, бозорларимизда ўз харидорларига эга бўлишга интилиши табиий ҳолдир. Лекин асосий мавзуга ўтадиган бўлсак, манзили номаълум тайин-бетайин корхоналар томонидан мактаб ўқувчиларининг ҳали шаклланиб улгурмаган дунёқарашидан фойдаланиб, ораста кийинишдан йироқ бўлган эстрада юлдузлари, кинофильмлар қаҳрамонлари акс эттирилган дафтарлар сотувга чиқарилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Аянчли томони шундаки, ёшларнинг бундай маҳсулотларга талаби кучли бўлиб қолмоқда. Наҳотки, бу масалаларга масъул бўлган кишилар ташвишли вазият юзага келаётганини тушунмасалар?

Бугунги кунда бозорларимиз маҳаллий ҳамда импорт маҳсулотлар ҳисобига тўла-тўкис. Иқтисодий эркинлик туфайли турли мулкчилик шаклидаги, шу жумладан хусусий корхоналарнинг сони кўпайиб бормоқда, лекин, очиғини айтиш керак, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамма маҳсулотлар ҳам сифати жиҳатидан ички бозоримизда унчалик харидорини топмаган. Аммо шундай манзараларни ҳам кузатиш мумкинки, на шакли, на мазмуни жиҳатидан стандартларга жавоб бермайдиган айрим турдаги маҳсулотлар «усти ялтироқ, ичи қалтироқ»лиги боис қандай йўл билан бўлмасин, харидорларга етказилмоқда ва бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Ҳамма замонларда китоб ва дафтар киши маънавиятини юксалтиришда асосий омил саналган. Бугун ҳам шундайми?

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дафтар муқовасидаги турли-туман суратлар безак учун, харидорларни ўзига жалб этиш мақсадида ишлатилмоқда, ички варақлари эса талабга мувофиқ бўлмаган, аниқроғи сифатсиз қоғоздан тайёрланган. Бу «айблов» кимга тааллуқлигига келсак, кўпчилик маҳсулотларда ишлаб чиқарган корхона манзили кўрсатилмаган. Тўғри, баъзиларида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёки «Тошкент. Назарбек. Тел. 188-90-20, 108-90-20» каби кўрсаткичлар берилган, лекин бу шунчаки эътиборни чалғитиш учун қилинган бир ҳаракат эканлигини тушуниш қийин эмас. Хусусан, юқоридаги телефон орқали алоқага чиқиш бефойда — робот ҳар сафар битта гапни қайтараверади: «Сиз сўраётган абонент рақами вақтинча иш фаолиятига эга эмас»...

- Бу маҳсулотларни Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида жойлашган канцелярия маҳсулотлари бозоридан нақд пулга харид қилиб сотувга чиқарамиз, - дейди биз билан суҳбатда метронинг «Мустақиллик майдони» бекатидан чиқаверишдаги савдо расталари эгаларидан бири (исмини айтишни истамади).- Шу кунларда ёш санъаткор Ёдгор Мирзажонов сурати акс эттирилган дафтарларга талаб катта...



Сотувчининг бу гапларига нима ҳам дердик — бозор бозор-да... Лекин ёшларнинг диди енгил-елпи нарсаларга қараб шаклланаётгани бизни ўйлантирмаслиги мумкин эмас. Бинобарин, муқованинг орқа томонида ўқувчилар учун керакли бўлган карра жадвали берилса қани эди, йўқ, бунинг ўрнига санъаткорнинг қўшиқ альбомлари реклама қилинмоқда...

-Қизим 9-синфда ўқиса ҳам ҳалигача карра жадвалини яхши ўзлаштирмаган, лекин барча қўшиқчиларга уларнинг ҳаёти ёки ижоди бўладими, бехато изоҳ бера олади, -дейди юқорида тилга олинган расталан дафтар сотиб олаётган харидор Юлдуз Расулова. - Албатта, бу борада бугунги кунда сотувга қўйилаётган маҳсулотлар, хусусан мана шундай безакдаги дафтарларнинг болага салбий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз. Наҳотки, қандайин бўлмасин даромад топиш илинжидаги айрим тадбиркорлар фақат ўзга эмас, балки ўз фарзанди камолотига ҳам бефарқ бўлса? Шу маънода сабабни ёшларда эмас, ўзимиз, катталардан излашимиз лозимдир...

— Мактаб ўқувчилари дафтарларининг санъаткорлар сурати билан безатилишига мутлақо қаршиман, чунки бу ўқувчи эътиборини асосий нарса — ўқиш жараёнидан чалғитади, - деди куюнчаклик билан 99-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Гўзал Юнусова. — Шунинг учун бу масалага жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Дафтарлар муқовасида буюк аждодларимиз ҳикматлари, ўқувчилар учун зарур бўлган жадваллар, дарсликлардан келиб чиққан холда керакли шакллар берилса, бу болаларимиз тарбиясига ўз ижобий таъсирини кўрсатишига ишонаман. Қолаверса, амалиёт шуни кўрсатадики, болалар ўзи билмаган ҳолда диққатини тортган нарсани хотирасида яхши сақлаш қобилиятига эга...

— Бу мавзу матбуотда кўп маротаба кўтарилган, лекин, афсуски, мавжуд муаммо озгина бўлса ҳам ўз ечимини топмади, — дея фикр билдирди «Ўзбекистон» нашриёти матбаа-ижодий уйи директори ўринбосари Маҳмуд Парпиев. - Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаб ўқувчиларига дафтар ишлаб чиқариш бўйича йил бошида тендер эълон қилинган эди. Бунда бизнинг жамоа ғолиб чиқиб, биринчи синф ўқувчиларига мўлжалланган бир ярим миллион сўмлик дафтар ишлаб чиқарди ва у республика бўйича барча мактабларга тарқатилди... Маҳсулотимизни нима учун юқоридаги каби буюртмадан ташқари катта ҳажмда ишлаб чиқармаётганимизга келсак, гарчи улар сифатли бўлса ҳам, «ялтироқликдан» ҳоли бўлгани боис бозорда ўз ўрнини топа олишига ишончимиз йўқ...

Дарҳақиқат, сифат масаласига қайтадиган бўлсак, мазкур корхона томонидан буюртма бўйича тайёрланган дафтар муқовасида улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур», деган ҳикматли сўзлари битилган, шунингдек бу буюк зот ҳамда Бобур сиймолари акс эттирилган. Муқованинг орқа томонида эса лотин ва кирилл алифбоси берилган. Меъёрий талабларга мувофиқ тегишли белгилар ва корхонанинг манзили тўлиқ кўрсатиб ўтилган...

Буни шундай тушуниш мумкинки, ушбу корхона ўз маҳсулотидан уялмайди ва бу билан харидор олдидаги масъулиятини амалий намоён этишга қодир эканлигини билдиради. Манзилини сир туттан ишлаб чиқарувчилар эса бундан ўзига тегишли хулоса чиқаради деб ишониб қоламиз.

Шу соҳа мутасаддиларидан ҳам жавоб кутиб қоламиз. Болаларимизга оз бўлса ҳам сифатли маҳсулот харид қилишни ўргатишимиз лозим. Бу эса ўз-ўзидан ўсмирларда маънавиятга, яхши нарсага бўлган талабни оширади. Шунингдек, уларнинг дидини ялтироқликдан ҳоли, жиддий, фойдали нарсаларга мойил тарзда тарбиялайди. Вақти келса уларни шунга ўргатишимиз жоиз бўлса, мажбурлашимиз шартдир.

Шаҳло ҲОШИМОВА

СУРАТДА: бугунги кунда ёшларимизга тавсия этилаётган аксарият дафтарлар муқовасидан ана шундай енгил-елпи, саёз суратлар ўрин олган.

Турфа олам

АЙИҚ ЦИРКДАН ҚОЧИБ КЕТДИ

Берлин. Германия Федератив Республикасининг Гера шаҳри халқ полицияси хизматчилари ва бу ерда меҳмон бўлиб турган «Буш» цирки ходимлари кутилмаганда шошилинч равишда айиқ ови билан шуғулланишга мажбур бўлдилар. Кўнғир айиқ томошадан кейин уни суғормоқчи бўлган ҳайвон ўргатувчига ҳужум қилди ва қафасдан қочиб кетди.

Ҳайвон ўргатувчи касалхонага жўнатилди «Майстер петц» (қочоқ айиқни шундай деб аташади) яқин орадаги паркка йўл олди ва буталар орасида ғойиб бўлди. Цирк ишчилари полициячилар билан биргаликда айиқни ўша ерда тутиб олдилар. «Саёҳат» чоғида маймоқ ишу қадар чарчаган эдики, уни машинада қайтариб олиб келишга тўғри келди.

Амбулатория ёрдами кўрсатилганидан кейин ҳайвон ўргатувчи касалхонадан чиқди.

ИЛОНЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

Тинч океанида жойлашган Гуам оролини ҳеч иккиланмай илонлар ороли деб аташ мумкин. Ҳозир оролга жигарранг дарахт илони деб аталмиш илонларнинг ҳужуми жиддий тахдид солиб турибди.

Ҳозирги кунда оролдаги ўрмонларнинг ҳар квадрат километрига 4600 та ана шундай илонлар тўғри келади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, оролда яшаган ўн уч хил қушларнинг ўн икки хили, кўршапалакларнинг уч тури, калтакесакларнинг кўпгина турлари йўқолиб кетишига айнан шу илонлар сабаб бўлган. Электр узатиш симларининг устунлари ва подстанциялар илонларнинг энг мақбул ҳордиқ чиқариш жойлари бўлиб қолганлиги оқибатида сўнгги беш йил мобайнидагина 500 марта электрнинг қисқа туташуви рўй берган. Судралиб юрувчилар паррандачилик фермаларига ҳам жиддий зиён етказяпти, сабаби улар тухумларни ва жўжаларни қириб юборишяпти. Жигарранг дарахт илони заҳарли ва тажовузкор бўлгани учун одамларга ҳам катта хавф туғдирмоқда.

«ПИВО СИМФОНИЯСИ»

Филадельфиядаги мусиқа мактабининг ўқитувчиси Питер Чейчернинг «Пиво симфонияси» бирор марта ҳам нота ёзувларида қайд этилмай қолиб кетадиган кўринади.

Чейчернинг «асари» магнитофон лентасига ёзилган бўлиб, пивони турли идишларга: сопол, шиша, металл идишларга қуяётганда ҳосил бўлувчи ўзига хос товушларнинг композициясидан иборат. «Симфония» муаллифи ана шу товушларнинг бирбири билан қўшилиши пиво мухлислари учун ёқимли куй ҳосил қилади, деб ҳисоблайди. Аммо мусиқа тадқиқотчиларининг бу борадаги фикрлари бошқачароқ. «Профессор мусиқага нисбатан пивони яхшироқ биладиган кўринади», дейишмоқда улар.

Спорт

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАШДИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида регби бўйича «Олтин овал» номли халқаро турнир якунланди. Унда Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва қирғизистонлик ёш регбичилар ғалаба учун кураш олиб боришди.

Халқаро турнир иккита ёш тоифаси бўйича ташкил этилди. Жумладан, 1993-1994 йилларда туғилган болалар ўртасидаги мусобақаларда жами ўнта жамоа ўзаро куч синашди. Ушбу йўналишда кутилганидек майдон эгаларига тенг келадиганлар топилмади. Қувонарли томони шундаки, ғолибга муносиб қаршилик кўрсатган мамлакатимизнинг ёш регбичилари фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

13-14 ёшли ўсмирлар баҳси янада кескин ва қаяжонли кечди. Ушбу гуруҳда 13 та жамоа ғолибни аниқлаш учун кураш олиб борди. Бу гал ҳам дастлабки икки ўрин «Уйда деворлар ҳам ёрдам беради», деганларидек Қозоғистон жамоаларига насиб этди. Тимур Ҳасанов шогирдлари бўлмиш республикамиз жамоаси бу сафар ҳам совринли ўриндан қуруқ қолмади. Ёш спортчиларимиз бронза нишонларининг соҳиби бўлишди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШДИ

Камондан отиш ишқибозлар учун ниҳоятда қизиқарли ва спортчидан катта маҳорат талаб этувчи спорт тури бўлиб, мустақилликка эришганимиздан сўнг бошқа турлар каби юртимизда камондан отишнинг ривожланиши йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Фикримизни кейинги вақтларда ўтказилаётган халқаро мусобақаларда юртдошларимиз эришаётган натижалар ҳам яққол исботлаб турибди. Чунончи, яқинда Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида камондан отиш бўйича йирик халқаро турнир поёнига етди.

Мусобақа ҳамюртларимиз учун жуда омадли кечди. Аёллар ўртасида баҳс юритган Дилдора Расулова олтин ва кумуш, иккита бронза нишонининг соҳиби бўлган ҳолда медаллар шодасини қўлга киритди.

Эркаклар ўртасида эса ўзбекистонлик Жамшид Ортиқов иккита бронза нишонига эга бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент маданият коллежи томонидан 2004 йили Тўлиев Беҳзод Комилжанович номига берилган №054829 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Таҳлиллар

ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БЕЛЛАШДИ

Инсон ақлу заковати, идрокининг чек-чегараси йўқ. Агар унга қиёс жоиз бўлса, уммонга ўхшатиш мумкин. Шу маънода халқимиз орасида машҳур нақлларда, пайровларда, ичак-узди ҳангомаларда ўзбегимнинг ўзига хос менталитети, донишмандлиги кўзга ташланади. Бинобарин, кундалик турмушимизда ҳам оқил, ишнинг кўзини биладиган, шунинг баробарида қувноқ, ҳазил-ҳузулга мойил кишиларнинг учраб туришини юқорида баён этган фикрларимизнинг исботи дейиш мумкин.

Айниқса, келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг боқий қадриятларимиз, умуммиллий меросларимиздан бахраманд бўлиб ўсиши, азалий удумларимизга ҳурмат руҳида камол топиши мамлакатимизда олиб борилаётган ички сиёсатнинг устувор жиҳатларидан бирини ташкил этади. Айтиш мумкинки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ҳар йили "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловини ўтказишдан мақсад талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижодкор илм толиблари томонидан ташкил топаётган жамоалар фаолиятини қўллаб-қувватлашдир.

Бу галги "Қувноқлар ва зукколар" кўрик-танловининг саралаш босқичлари Бухоро, Жиззах, Навоий, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Саралаш босқичидаги беллашувларда 22 та олий ўқув юртидан ташриф буюрган жамоалар иштирок этишди. Ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларига кўра рейтинг тизимида энг юқори балл тўплаган Қорақалпоқ Давлат университетининг "Жайхун", Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтининг "Марокандлик божалар", Навоий педагогика институтининг "Шовшув", Нукус Давлат педагогика институтининг "Турон", Тошкент Давлат аграр университетининг "Янги юлдузлар", Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар" сингари жамоалари ярим финал босқичидаги баҳсларда қатнашиш имкониятини қўлга киритишга муваффақ бўлишганди. Навбатдаги танловларда ҳам иқтидорли, билим даражаси юқори, актёрлик малакасига эга ёшлардан ташкил топган жамоалар яна бир синовдан ўтказилди.

Шаҳримиздаги Авиасозлар маданият саройида бўлиб ўтган финал босқичи беллашувларида 6 та жамоа вакиллари I, II, III ўринларни қўлга киритиш учун беллашдилар. 10 кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари талабаларнинг "Кўрганимиз кўришганимиз", "Топган топиб гапиради", "Ақлни пешланг, ўртоқжон" сингари бир қатор саҳнавий кўринишларда, кўтариб чиқилаётган муаммоларнинг ҳаётийлиги, бадиий саҳна безакларининг ўзига хослиги, ижро маҳоратининг мукаммаллигини одил баҳолашга ҳаракат қилишди. "Инсон феъл-атворидаги қувноқлик ва теран мулоҳаза — унинг қўш қанотидир", деган эди Хитой алломаси Конфуций. Бироқ инсон қалбига илиқлик, қувноқ кайфият туҳфа этиш шунчалар машаққатли юмушки, буни ўзида ҳис этган шахсларгина бошқаларга нисбатан яхшироқ билади, албатта.

Жамоаларнинг ҳар тўрттала номинация бўйича саҳнавий кўринишларини баҳолаш ҳакамлар ҳайъатига осон бўлгани йўқ. Негаки ҳар бир жамоа чиқишларга пухта тайёргарлик кўрганини сезиш қийин эмасди. Ниҳоят имкониятлар тўғри баҳоланиб, Қорақалпоқ Давлат университетининг "Жайхун" жамоаси биринчи, Тошкент Давлат аграр университетининг "Янги юлдузлар" жамоаси иккинчи, Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар» жамоаси учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Ғолибларга I,II,III даражали диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мазкур кўрик-танлов олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ижодкор, иқтидорли талабаларнинг қобилиятларини синовдан ўтказилишида ўзига хос мактаб бўлиб қолганлиги билан эътиборлидир.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Муомала маданияти, тарбия оилада шаклланади дейишади. Дарҳақиқат, бола тарбияси, хулқ-атвори, одоби атрофдагилар билан муносабатга киришиш, сўзлашув орқали амалга ошади. Шунинг учун ота-оналаримиз, бобо-момоларимиз ҳамиша болаларнинг олдида ўйлаб гапирганлар, оғзига келганини қайтармасликдан тийилганлар. Ҳозирчи, ҳозир ҳам шундайми? Афсуски, бунга ижобий жавоб бериш мушкул. Чунки кўчадаги одамларнинг муомала маданияти бунга изн бермайди.

Муносабат

ТАРБИЯ ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

Баъзида ўзаро гаплашиб кетаётган икки дугонага ёки дўстга, ёхуд катталарга эътибор бериб қарасангиз, ҳар икки гапининг бирида ёмон сўз бўлади. Илгари тарбиясиз мўлтонилар шундай гапиришса, эндиликда зиёлинамо қиёфалару гўзал қизларнинг оғизларидан ҳам беандиша, қўпол сўзлар чиқади. Ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ахир тарбия бобида ота-боболаримизнинг ўзига хос таълимотларининг қудрати қаерда қолди? Умуман тарбиядаги мезон, ўлчам нима билан белгиланади?

Ахир, биз мактабда «Одобнома» дарсларини ўтганмиз. Лекин баъзилар бу дарсда ўтганларни аллақачон унутиб бўлишган кўринади.

Куни кеча бир воқеани кўриб янада диққатим ошди. Кўчада уч ёшлар чамасидаги болакайни кўтариб олган киши рафиқаси билан кетиб борарди. Ўзича ҳар хил нарсаларни бидир-бидир қилиб келаётган болакайга отаси «Онангни, ҳе, онангни» деб сўкиб қўй, ўғлим» деб ўргатарди. Бола отасининг айтганини такрорласа, у хурсанд бўлиб куларди. Онаси ҳам хафа бўлганини сездирмай (ёки чиндан ҳам хафа эмасдир) қўшилишиб куларди. Уларни кўриб кўчадаги қўпол сўзлашув маданияти ўз-ўзидан пайдо бўлмаётганига иқрор бўлдим. Аввало у шаклланадиган оилаларнинг ўзида издан чиқмаяптимикан, деган ўй ўтди хаёлимдан. Балки шундайдир?

Энг ёмони сўзларнинг маъно-мазмунига эътибор бермасдан гапиришни, бемалол уятсиз сўзларни оғиздан қўйиб юбораверишни жамоатчилик ҳам табиий қабул қилишга мослашаётгандай, гўё. Айниқса, катталар танбеҳ бериш, койиш, тартибга чақириш ўрнига эшитмасликка олишади. Гоҳида битта- яримта инсофли одам шундай сўкинадиган ёшларга гапиришса, балога қолишади. Керак бўлса уни ҳам қўшиб сўкворади. Бошқаларнинг эса ўша кишини қўллашга юраклари дов бермайди. Кундалик ҳаётимиздаги ҳар куни учрайдиган ана шу кичкина муаммо албатта болажонларимиз тарбиясига салбий таъсир қилади.

Нусратилла ҲУСАИНОВ

Мунажжим башорати

САБР- ТОҚАТЛИ БЎЛИНГ

20 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

Меркурий ҳаракат фазаси ўзгаришининг яқинлашаётгани, кредитлар ва улар муддатини узайтириши расмийлаштиришга ошиқиш кераклигини билдиради.

Меркурийнинг осмони фалакдан бизга кўринадиган тескари ҳаракати даврида – яъни 29 июлдан то 16 августгача қарзга пул олиш ёки қарзга пул бериш тавсия этилмайди. Ушбу мажбуриятлар бўйича қарзлардан қутулиш йилнинг бошқа вақтларида тузилган шартномаларга нисбатан анча қийин бўлади.

Бугунги кун яна шуниси билан ҳам муҳимки, агар зарур бир ишни бугун бошламаса, бутун бир ой кутишга тўғри келади. Умуман, ҳар қандай янги ишни ойнинг 14-15 кунларига мўлжаллаш маъқул. Шу куни туғилган инсонлар ҳамиша бирор нарсага даъват этилган бўладилар.

Чоршанбани мушкуллар осон бўладиган кун деб бежиз айтишмаган бўлса керак. Зеро, бугун муҳим ишларни бошлаб юборишдан ташқари саёҳатларга йўл олиш, битимлар тузиб, ҳужжатларни имзолаш, интеллектуал меҳнат, мураккаб мантиқий масалаларни ечиш билан шуғулланиш хайрли бўлади. Йирик харидлар,ихтиролар учун, қурилишни бошлаш, алоқаларни йўлга қўйиш учун ҳам бу кун жуда қулай келади.

Бугун ким сизни қаёққа чақираётганига диққат қилишингиз керак бўлади. Маслаҳатларга қулоқ тутинг, ҳар турли "тасодиф"ларга, аломатлару ирим-сиримларга ҳушёрлик билан эътибор беринг. Агар, тинглашни билсангиз, теварак-атрофдаги реал воқеликлар сизга кўп нарсаларни аниқлаб беради.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли бўлади. Уларни эслаб ёки ёзиб қўйсангиз, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Кўриш аъзолари ва асаб тизимидан ташқари бугун ичаклар ва қора талоқ хасталикларга мойил бўлади. Оғир ва гўштли таомлардан воз кечишга тўғри келади.

Кийимлардан оқ, қизил, настарин ранглилари омадли бўлади. Қулранг, ранги ўчган ва қора либосларни жавонингизнинг нариги бурчагига суриб қўйинг.

БУГУН

— одатий ишлар билан, яхшиси — сиздан анча-мунча куч-ғайрат талаб қиладиган ишлар билан шуғулланиш;

— ўз имконият ва қобилиятингизни тўғри баҳолай олиш;

— молиявий-хўжалик ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этиш;

— сабр-тоқат, босиқ-вазминлик ва мушоҳада юрита билишингизни намоён этиш;

— уйингизни тартибга келтириш, ҳаммаёқни йиғиштириш;

— оғир дамларда тенгдошлар, дўстлар ва ҳамкасбларингизга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Енгил кўчан омаддан (кейинчалик ҳафсалангиз пир бўлиши мумкин), оила ва жамиятдаги ўрнингиз ва обрўйингизга ортиқча баҳо беришдан, йўлда эҳтиётсизликдан ўзингизни асранг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«O'ZDAVMATBUOTLITI» ИНСТИТУТИ «O'ZDAVMATBUOTLITI» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТГА ЎЗГАРТИРИЛМОҚДА.

Мурожаат учун телефон: 144-34-05.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар **ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-609.

23456